

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУМИНОВ БЕКЗОД АСКАРОВИЧ**

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ПАРКИНСОН**  
**КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА**  
**ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Муминов Бекзод Аскарлович</b> Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг клиник кечиш хусусиятлари ва дифференциал ёндашув чора-тадбирлари.....	3
<b>Муминов Бекзод Аскарлович</b> Особенности клинического течения болезни Паркинсона у больных перенесших Covid-19 и меры дифференцированного подхода.....	23
<b>Muminov Bekzod Askarovich</b> Features of the clinical course of Parkinson's disease in patients after COVID-19 and measures for a differentiated approach.....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУМИНОВ БЕКЗОД АСКАРОВИЧ**

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ПАРКИНСОН**  
**КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА**  
**ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3810 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Матмуродов Рустамбек Жуманазарович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Раимова Малика Мухамеджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Мирджураев Элбек Миршавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz) ).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28).

Диссертация автореферати 2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г.С. Рахимбаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.Б. Азизова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.К. Хайдарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Коронавирус инфекцияси (Covid-19) пандемия кўринишида бутун ер юзи мамлакатлари аҳолисини ларзага солган ўта долзарб бўлган муаммодир. Covid-19 инфекцияси организмнинг барча тизимлари қатори марказий асаб тизимига ҳам кучли таъсир қилди, жумладан бош мия қон томир касалликлари, периферик асаб тизими касалликлари, эпилепсия ва нейродегенератив касалликлар ривожланишига туртки бўлди. Шу билан бир қаторда хавф омили сифатида паркинсонизм ривожланишига олиб келди. Паркинсон касаллиги (ПК) билан оғриган беморларда эса касалликнинг кечишини жадаллаштирди ва ногиронлик ҳолатларини турғунлаштирди. Covid-19 билан боғлиқ бўлган марказий асаб тизими (МАТ)нинг нейродегенератив зарарланиш суръати тобора кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари кўплаб адабиётларда муаллифлар таъкидлашча, «...Covid-19 инфекциясининг оқибатларини Паркинсон касаллигининг ўсиб бораётганлиги билан боғлашмоқда...»<sup>1</sup>.

Жаҳонда Паркинсон касаллигини эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва қиёсий даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Covid-19 ва паркинсонизм ўртасидаги боғлиқлик бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Олимлар бу борада турли хил музокараларни олиб боришмоқда. Аммо, ушбу омиллар ҳар доим ҳам касаллик ривожланишини тўлиқ исботлаб бера олмайди. Шунинг учун ҳам бир қатор назариялар борки, касаллик ривожланишига туртки бўлади, буларга вирус назарияси, иммунологик назария ва руҳий зўриқиш назарияси киради. SARS-Cov-2 билан касалланган одамлар сонининг кўплиги ҳисобга олинса, яқин келажакда асаб тизимининг аутоиммун ўзгаришларини, шунингдек иммунологик компонентларининг нисбий ўсишини ҳам инобатга олиш зарурдир. Шу сабабли, асоратларнинг ривожланиш механизмларини, уларнинг Covid-19 билан алоқаси даражасини ва даволаш режимларини ишлаб чиқиш клиник тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, Covid-19 ўтказган беморларда профилактик чора-тадбирларни тўғри мақсадга йўналтирилган ишларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «... бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигини клиник симптомларини эрта ташхислаш ва комплекс

<sup>1</sup> Fearon C, Fasano A. Parkinson's disease and the Covid-19 pandemic. J. Parkinsons Dis. 2021;11(2):431-444.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

чора- тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳамда тиббиёт тизимига фаол жорий этиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ– 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018-йил 30-августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда Covid-19 инфекциясидан кейинги неврологик бузилишларни анқлашда турли даражада илмий ишланишлар олиб борилди. Наталья Пшеничная (2021 йил) фикри бўйича SARS-CoV-2 организмга тушгандан кейин бош миянинг турли қисмларига киради, яллиғланиш жараёнини келтириб чиқаради, хужайра ичида патологик оқсил ҳосилалари – Леви таначаларини пайдо қилади. Леви таначалари эса ПҚ ривожланишининг патогенетик омилидир. D.Sulzer ва ҳаммуаллифларнинг (2020 йил) фикри бўйича, ёшга боғлиқ нейродегенератив касалликлар SARS-CoV-2 вируси билан зарарланишнинг хавф омилидир. Жумладан, Паркинсон касаллиги, Альцгеймер касалиги каби нейродегенератив касалликлар билан оғриган беморларга Covid-19 тез юқиши мумкин экан. Жукова Н.Г ва ҳаммуаллифлар (2021 йил) маълумотига кўра, Паркинсон касаллигида ҳаракатларнинг камлиги, кўкрак қафаси мускуллари тонусининг ошиши нафас олиш ритмига таъсир қилади ва Covid-19 инфекцияси фонида декомпенсация ривожланади.

Республикада ПҚ муаммоларига бағишланган тадқиқотлар кўпгина олимлар томонидан олиб борилган ва уларнинг изланишларида ПҚга чалинган беморларнинг учинчи-тўртинчи авлоди шажараси ўрганилиб, ушбу шажаралар таҳлили касаллик доминант турда суст пенетрантлик билан насланишга эгаллиги ва шу сабабли касаллик турли авлодда ўзини турлича намоён этиши аниқланган (Маджидова Ё.Н., Халимова Х.М., Раимова М.М. ва ҳаммуал., 2011 йил). Тадқиқотчилар ўзларининг илмий ишларида молекуляр генетик жиҳатларини чуқур ўргандилар, дефолянтлар, пестицидлар,

гербицидлар, яъни ксенобиотиклар таъсирини чуқур ўргандилар (Халимова Х.М., Раимова М.М. ва ҳаммуал., 2011 йил).

Республикамик олимлари томонидан Covid-19 инфекциясининг асаб тизимига таъсири тўғрисида бир қатор илмий изланишлар олиб борилди. Гендер фарқларига қараб, Covid-19да нейрпсихологик синдромларнинг клиник ва патогенетик тузилишлари чуқур таҳлил қилинди (Д.К. Хайдарова, К.К. Сафаров, 2022 йил). Covid-19 ўтказган беморларда диабетик полнейропатияларнинг клиник кечиш хусусиятлари ўрганилди ва комплемент фактор С3 компоненти билан қиёсий таҳлили амалга оширилди (Р.Ж. Матмуродов Р.Ж., С.М. Умирова, 2023 йил). Covid-19 дан кейинги церебро-астеник синдромини ташхислаш ва даволаш хусусиятлари ўрганилди (Г.С. Рахимбаева, У.Д. Шодиев, 2023 йил).

Республикамикда қайд этилган ҳолатларнинг етарлича катта намунаси мавжудлиги ушбу ҳодисанинг COVID-19 билан боғлиқ барча энг муҳим жиҳатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни тақазо этади. Буларнинг барчаси танланган илмий мавзунинг юқори долзарблигини белгилайди. Илмий изланувчи томонидан уларга эришиш ва келажакда амалга ошириш бўйича қўйилган мақсад ва вазифалар танланган муаммони тўлиқ очиб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.110.0158 «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масалалари» (2021-2023 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш ва дифференциал ёндашув чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг клиник-неврологик хусусиятларини касаллик клиник шакллари, босқичлари, шунингдек беморлар ёши ва жинси бўйича баҳолаш;

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллигининг ҳаракатга боғлиқ бўлган мотор бузилишлари ривожланишининг сабабларини баҳолаш;

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллигининг номотор когнитив, вегетатив ва уйқу бузилишларини қиёсий баҳолаш;

Covid-19 ўтказган ва Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда мотор ва номотор бузилишларни иммунологик цитокин IL-6 концентрацияси ва ферритинемия даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

ўтказилган клиник-неврологик, нейрпсихологик ва иммунологик текширишлар асосида Covid-19 ўтказган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларга дифференциал ёндашув мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент 7-шаҳар клиник шифохонаси, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси, Ногиронларни реабилитация қилиш ва

протезлаш миллий маркази бўлимларида стационар ва амбулатор шароитда даволанаётган Паркинсон касаллигининг турли клиник шакллари билан оғриб келаётган 124 нафар ва назорат гуруҳдаги 30 нафар, жами 154 нафар бемор танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган ПК билан оғриган беморлар ва ПК бўлмаган назорат гуруҳдаги беморлар, шунингдек уларнинг қон таҳлили материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник-неврологик, нейрopsихологик, нейровизуалогик, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллиги клиник белгиларининг кучайиши касаллик клиник шакллари, босқичлари, шунингдек беморлар ёши ва жинси бўйича таҳлил қилиниб, титроқ ва аралаш шаклларининг қуйи босқичларда эркакларга нисбатан аёлларда юқори кўрсаткичларга эга бўлиши номотор бузилишларга боғлиқ эканлиги аниқланган;

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллиги мотор бузилишлари, номотор когнитив, вегетатив ва уйқу бузилишлари солиштирилган, бузилишларнинг динамикаси вақтга қараб касаллик клиник шакллари ва босқичларига боғлиқ кучайиб бориши исботланган;

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллиги мотор ва номотор когнитив, вегетатив бузилишлари беморлар қон зардоби таркибидаги интерлейкин-6 концентрацияси ва ферритинемия даражаси билан тўғри корреляцион боғлиқлиги илмий асосланган;

олинган клиник-неврологик, нейрopsихологик, нейровизуалогик ва иммунологик текширишлар асосида Covid-19 ўтказган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларга дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Covid-19 ўтказган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда касалликнинг мотор ва номотор когнитив, вегетатив ва уйқу бузилишлари касаллик шакллари ва босқичлари бўйича таҳлили қилиниб, дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган;

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган Паркинсон касаллиги билдан оғриган беморлар қон зардоби таркибида интерлейкин-6 концентрацияси ва ферритинемия даражаси дифференциал диагностик мезон сифатида қаралиши тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар ва материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган нейрopsихологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш хусусиятларини

оптималлаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Covid-19 ўтказган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда мотор бузилишлар ва номотор когнитив, вегетатив ва уйқу бузилишларни дифференциал мезон сифатида қаралиши ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган ПК билан оғриган беморлар қон зардобидида интерлейкин-6 концентрацияси ва ферритинемия даражасини иммунологик усул ёрдамида текширишни татбиқ этиш, ишлаб чиқилган махсус мезонлар ёрдамида Covid-19 ўтказган беморларга дифференциал ёндашув чора-тадбирларини оптималлаштиришдан иборат. Амалиётда ишлаётган неврологларга беморлар қон зардобидида интерлейкин-6 ва ферритинемия даражасини ИФА усулида текшириш зарурлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 03/62-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2024 йил 25 июндаги 09-18582-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

*биринчи илмий янгилик:* Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллиги клиник белгиларининг кучайиши касаллик клиник шакллари, босқичлари, шунингдек беморлар ёши ва жинси бўйича таҳлил қилиниб, титроқ ва аралаш шаклларда қуйи босқичларда эркакларга нисбатан аёлларда юқори кўрсаткичларга эга бўлиши Тошкент вилоят ихтисослаштирилган соматика шифохонаси бўйича (09.10.2023 й.; №278) ва Ибн Сино номли Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.12.2023 й.; №349) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг клиник-функционал ва психоневрологик компонентлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш хасталикни эрта ташхислаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ушбу усул тадбиқ этилгунга қадар беморларнинг хасталик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг ўртача сони 10 кунни ташкил этган; таклиф этилган диагностик усулидан фойдаланиш натижасида  $E_{inv} = (2676000 - 868800) \times (5 - 3) \times (20 - 12 / 100) \times 0,6 \times 59 / 5 - 3 = 38182847$  сўм иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор бузилишларини эрта аниқлаш, касалликни кечиши ва оқибатини яхшилаш, олдини олиш, прогноз қилиш, беморлар ҳаёт тарзини узайтириш, аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларни

коррекция қилиш моддий харажатлар миқдорини 38182847 сўм иқтисод қилишга олиб келган.

*иккинчи илмий янгилик:* Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллиги мотор бузилишлари, шунингдек номотор когнитив, вегетатив ва уйқу бузилишлари солиштирилган, бузилишлар динамикада касаллик клиник шакллари ва босқичларига боғлиқ кучайиб бориши Тошкент вилоят ихтисослаштирилган соматика шифохонаси бўйича (09.10.2023 й.; №278) ва Ибн Сино номли Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.12.2023 й.; №349) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш ва дифференциал ёндашув чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор бузилишларини эрта аниқлаш, касалликни кечиши ва оқибатини яхшилаш, олдини олиш, прогноз қилиш, беморлар ҳаёт тарзини узайтириш, аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларни коррекция қилишга эришилган. Хулоса: таклиф этилган усулнинг қўлланилиши натижасида бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини моддий харажатлар миқдорини 35,6% га иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллиги мотор ва номотор когнитив, вегетатив бузилишлар беморлар қон зардоби таркибидаги интерлейкин-6 концентрацияси ва ферритинемия даражаси билан боғлиқлиги Тошкент вилоят ихтисослаштирилган соматика шифохонаси бўйича (09.10.2023 й.; №278) ва Ибн Сино номли Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.12.2023 й.; №349) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор когнитив, вегетатив бузилишлари беморлар қон зардоби таркибидаги интерлейкин-6 концентрацияси ва ферритинемияни аниқлаш ва оғир асоратларнинг олдини олишга, ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларининг яхшиланишига эришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: харажат-самарадорлик коэффициенти (XSK) қуйидагича ифодаланиши мумкин:  $XSK = \text{эффект/харажат} = C_{\text{йил}}/Z = 50310000/5229700 = 9,62$ . Бу ерда  $C_{\text{йил}}$  – амалга ошириш ҳажми учун ҳисобланган диагностика усулларини ўртача йиллик тежаш қиймати;  $Z$  – интерлейкин-6 концентрацияси диагностикасининг усулини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва амалга ошириш харажатларининг нархи. Хулоса: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор бузилишларини эрта аниқлаш, касалликни кечиши ва оқибатини яхшилаш, олдини олиш, прогноз қилиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 9,62 баробар иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* олинган клиник-неврологик, нейрпсихологик, нейровизуалогик ва иммунологик текширишлар асосида Covid-19 ўтказган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларга дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилгани Тошкент вилоят ихтисослаштирилган соматика шифохонаси бўйича (09.10.2023 й.; №278) ва Ибн Сино номли Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.12.2023 й.; №349) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор когнитив, вегетатив бузилишлари мавжуд беморларни динамикада олиб бориш мезонларини ишлаб чиқиш орқали эрта ногиронликнинг олдини олиш, беморларнинг меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг сонини қисқартириш, ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашга эришилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморлар қон зардобиди интерлейкин-6 концентрацияси ва ферритинемияни аниқлаш ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини 1 200 000 сўмга тежайди. Хулоса: Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллигининг мотор ва номотор бузилишларини эрта аниқлаш, касалликни кечиши ва оқибатини яхшилаш, олдини олиш, прогноз қилиш, беморлар ҳаёт тарзини узайтириш, аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларни коррекция қилиш моддий харажатлар миқдорини 35,6% камайишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 110 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Covid-19** инфекцияси ва Паркинсон касаллиги тўғрисида замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида Covid-19 инфекцияси ва Паркинсон касаллиги, таснифи, клиник кўриниши ва касалликни индуцирловчи энг кенг тарқалган омиллари ёритилган. Шунингдек, Covid-19 ўтказган беморларда неврологик бузилишларнинг пайдо бўлиш механизмлари, Covid-19 ва паркинсонизм ўзаро боғлиқлиги, мотор ва ва номотор бузилишларни кучайиб кетиш сабаблари, эрта ташхислаш ва даволашнинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатларини баҳолашга муаллифлик ёндошуви ёритилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва усулларнинг умумий тавсифи батафсил ёритилди. Қўйилган вазифаларга хулоса чиқариш мақсадида Тошкент 7-шаҳар клиник шифохонаси, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси, Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бўлимларида стационар ва амбулатор шароитда даволанаётган Паркинсон касаллигининг турли клиник шакллари билан оғриб келаётган 124 нафар беморлар рўйхатга олинди. Тадқиқот давомида баъзи кўрсаткичларини солиштириш мақсадида назорат гуруҳи ёшга мос бўлган 30 нафар Covid-19 ва ПК бўлмаган беморлардан иборат бўлди. Умумий текширилган беморларнинг 63 нафари эркак (50,8%) ва 61 нафари (49,2%) аёлларни ташкил қилди. Беморларнинг ёши 22 ёшдан 78 ёшгача бўлиб, ўртача  $57,2 \pm 8,3$  ёшни ташкил қилди. Касалликнинг ўртача давомийлиги  $5,7 \pm 3,5$  йилга эга бўлди.

Тадқиқотни олиб бориш учун клиник-неврологик, нейровизуалогик ва нейропсихологик текшириш усулларида фойдаланилди. Касалликнинг асосий ҳаракатга боғлиқ бўлган клиник белгилари Паркинсон касаллигининг унифицирланган рейтинг шкаласи (ПКУРШ) ёрдамида баҳоланди. Номотор бузилишлар Монреал шкаласи (MoCA) шкаласи, Mini-Cog шкаласи, Кундалик ҳаёт фаоллик шкаласи (Activities of Daily Living - ADL), Эпвортнинг уйқучанлик шкаласи (Epworth Sleepiness Scale-ESS), Паркинсон касаллигида уйқу сифатини баҳолаш (disease sleep scale- PDSS), уйқу бузилишининг умумий шкаласи (General Sleep Disturbance Scale (GSDS), Паркинсон касаллиги номотор симптомларни баҳолаш шкаласидан (NMSS), Левин О.С. вегетатив шкаласи қўлланилди. Беморлар қон зардоби таркибидаги IL-6 миқдори ва ферритин даражаси иммунологик ИФА усуллари ёрдамида текширилди.

Диссертациянинг «**Covid-19 ўтказган беморларда Паркинсон касаллиги мотор ва номотор бузилишларининг солиштирма баҳолаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллигининг ёш ва жинсга боғлиқ ҳолдаги частотаси, Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда Паркинсон касаллиги мотор ва номотор бузилишларининг солиштирма таҳлили, уйқу ва вегетатив бузилишларининг солиштирма таҳлили натижалари келтириб ўтилди.

ПК билан оғриган умумий 124 нафар бемор текширилган бўлса, улар 2 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ ПК билан оғриган, Covid-19 инфекциясини ўтказган беморлардан иборат бўлиб, 64 нафар ва 2-гуруҳ ПК билан оғриган, ва Covid-19 инфекциясини ўтказмаган 60 нафарни ташкил этди. Айрим кўрсаткичларни солиштириш учун 30 нафар ПК билан оғримаган назорат гуруҳдаги беморлар ҳам тафовут қилинди. Умумий 63 нафар (50,8%) эркеклар ва 51 нафар (49,2%) аёллар текширилган бўлса, мос равишда 1-гуруҳ эркеклар 34 нафар (53,1%), аёллар 30 нафар (46,9%) ва 2-гуруҳда эркеклар 29 нафар (48,3%) ва 31 нафар (51,7%) аёллардан иборат бўлди, назорат гуруҳ 16 нафар эркек (53,3%) ва 14 нафар аёл (46,7%) аёллардан иборат бўлди. Таҳлил натижаларига кўра, 1-гуруҳдаги беморларда акинетик-ригид ва титроқ, аралаш шакллари ўртасида кескин фарқ кузатилган бўлса ( $p \leq 0,005$ ), титроқ ва аралаш шакллари ўртасида ишончли фарқ аниқланмади. Хулоса чиқариш мумкинки, Covid-19 инфекцияси ПК клиник шаклларига тезда таъсир қилади, касалликнинг титроқ шакли акинетик-ригид ва аралаш шаклларига трансформацияланиб кетиши мумкин. 1-гуруҳ, Covid-19 ўтказган беморларда касалликнинг юқори босқичлари кўпроқ, Covid-19 ўтказган учради, шунингдек 4-босқичга эга бўлган беморлар ҳам кузатилди. 2-гуруҳдаги беморларда босқичлар ўртасидаги кескин фарқ намоён бўлмади.




**1-расм. Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда ёш бўйича тақсимооти**

Covid-19 инфекцияси ПК билан оғриган беморларда мотор ва номотор бузилишларни ҳам кучайтириб юборади, касалликнинг қуйи босқичларидан юқори босқичларига ўзгартириб юборади. Таҳлил натижаларига кўра 1-гуруҳдаги Covid-19 ўтказган беморларда энг кўп кўрсаткич 55-65 ёшга тўғри келиб, кекса ёшдаги ПК билан оғриган беморларда нисбатан кўпроқ намоён бўлди. Covid-19 ўтказмаган беморларда 66 ёш ва ундан юқори бўлган ПК билан оғриган беморлар жуда кам миқдорда кузатилди, 1-расм.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда мотор бузилишларнинг учрашини таҳлил қилиб чиқдик. Тинч ҳолатдаги титроқ 1-гуруҳ беморлардан 56 нафаридан (86,1%) учраган бўлса, 2-

гурухдаги беморларда 41 нафарида (68,3) учради. Гипокинезия ва брадикинезия ҳолатлари ҳар иккала гурухдаги беморларда бир хил даражада кузатилди. Постурал нотурғунлик, яъни латеропульсия, ретропульсия ва пропульсия элементлари 1-гурух беморлардан 33 нафарида (51,5%) кузатилган бўлса, 2-гурухдаги беморлардан 22 нафарида (36,6%) намоён бўлди. “Тишли ғилдирак” симптомининг икки томонлама учраши 1-гурухда 51 нафарида (79,6%) учраган бўлса, 2-гурухда 29 нафар (48,3%) беморда кузатилди. 2-расмдан кўриниб турибдики., ПК мотор бузилишларининг ривожланиши ва кучайиши Covid-19 инфекцияси кучли таъсир қилади ва касалликни оғирлаштириб, юқори босқичларига трансформация қилиб юборади.



**2-расм. Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда мотор симптомларнинг учраш частотаси (%)**

Иккала гурухдаги беморларда UPDRS шкаласи натижаларини 2-пунктнинг 13 та кўрсаткичи бўйича анализ қилинди. Кундалик ҳаётнинг мотор жиҳатларини 13 та пункт бўйича солиштирилганда, 1-гурухдаги коронавирус ўтказган беморларда  $38,9 \pm 4,8$  балл ва 2-гурухдаги коронавирус ўтказмаган беморларда эса  $24,4 \pm 2,19$  баллдан иборат бўлди,  $p \leq 0,001$ . ПК билан оғирган Covid-19 ўтказган беморларда ўрта даражадаги нутқ бузилишлари, ўрта даражадаги сўлак ажралиш, енгил ва ўрта даражадаги овқат ейиш билан боғлиқ муаммолар, ўрта даражадаги кийинишнинг бузилиши, ўрта даражадаги шахсий-гигиеник муаммолар учраганлиги, оғир даражадаги хуснихатнинг бузилиши, ўрта даражадаги хобби ва бошқа фаолиятларнинг бузилиши, ўрта оғирлик даражадаги ётоқдаги айланишлар ва буралишлар билан боғлиқ муаммолар, оғир даражадаги тремор, ўрта даражадаги ётоқдан туриш, машинага ўтириш ва чуқур креслога ўтириш, оғир даражадаги юриш ва мувозанатни сақлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар, ўрта даражада тўсатдан қотиб қолиш кўринишдаги бузилишлар билан намоён бўлди. UPDRS шкаласининг 3-пункти бўйича ҳаракат бузилишлари кўрсаткичларини таҳлил қилинганда Covid-19 ўтказган 1-гурухдаги беморларда беморларда  $51,4 \pm 11,6$  баллни ташкил этган бўлса, 2-гурухдаги беморларда ушбу кўрсаткич  $33,7 \pm 10,3$

баллга эга бўлди, ишончлик даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлди,  $r \leq 0,001$ . Кейинги босқичда UPDRS шкаласининг 4-пункти бўйича 6 та кўрсаткичлар солиштирилди. 1-гурухдаги беморларда беморларда  $18,6 \pm 6,6$  баллни ташкил этган бўлса, 2-гурухдаги беморларда ушбу кўрсаткич  $7,7 \pm 5,3$  баллга эга бўлди, ишончлик даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлди,  $p \leq 0,001$ , 1-жадвал.

1-жадвал

**UPDRS шкаласи натижаларини мотор асоратлар бўйича солиштирма таҳлили**

Т/р	UPDRS IV қисм – мотор асоратлар	1-гурух, n=64	2-гурух, n=60	Ишончилилик даражаси
		(0-4) балл		
1.	Фаолият	$3,31 \pm 0,44$	$1,30 \pm 1,27$	$p \leq 0,001$
2.	Дискинезиялар функционал таъсири	$2,56 \pm 0,31$	$1,20 \pm 0,57$	$p \leq 0,001$
3.	Мотор флуктуация	$3,28 \pm 0,95$	$1,80 \pm 0,14$	$p \leq 0,001$
4.	Флуктуация функционал таъсири	$2,99 \pm 0,34$	$0,78 \pm 0,08$	$p \leq 0,001$
5.	Мотор флуктуация мураккаблиги	$3,33 \pm 1,304$	$1,28 \pm 0,06$	$p \leq 0,001$
6.	Дистония	$2,97 \pm 0,816$	$1,34 \pm 0,07$	$p \leq 0,001$
	<b>Умумий (балл)</b>	<b><math>18,6 \pm 6,6</math></b>	<b><math>7,7 \pm 2,19^{**}</math></b>	<b><math>p \leq 0,001</math></b>

*Изоҳ \* ишончли фарқ (\* –  $p < 0,05$ ; \*\* –  $p < 0,001$ ;) )*

Кейинги босқичда Covid-19 инфекциясидан кейин Паркинсон касаллигида номотор бузилишларни баҳолаш натижалари солиштирилди. Кундалик ҳаётнинг номотор жихатлари 13 та пункт бўйича солиштирилганда, 1-гурухдаги беморларда  $32,8 \pm 2,8$  юаллни ташкил этган бўлса, 2-гурухдаги беморларда  $9,88 \pm 3,1$  баллга эга бўлди,  $p \leq 0,001$ .

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда когнитив бузилишлар даражаларини солиштириб чиқдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, назорат гуруҳдаги ПК билан оғриган Covid-19 ўтказган беморларда ушбу шкаланинг ўртача кўрсаткичи 6 баллни ташкил этиб, енгил даражадаги когнитив бузилишларни кўрсатди. 2-гурухдаги Covid-19 ўтказмаган, бироқ ПК билан оғриган беморларда ушбу кўрсаткич  $22,6 \pm 1,89$  баллга эга бўлган бўлса, 1-гурухдаги Covid-19 ўтказган ва ПК билан оғриган беморларда ўртача  $18,1 \pm 2,43$  балл эканлиги маълум бўлди. 2- ва 3-гурух беморлар ўртасидаги фарқ ишончилилик даражаси  $p \leq 0,05$  бўлса, 1- ва 2-гурух, шунингдек 1- ва 3-гурух беморлар ўртасидаги фарқ ишончилилик даражаси  $p \leq 0,001$  эканлиги аниқланди. Деменция ҳолатларини ажратиб олиш учун Mini-Cog шкаласидан фойдаланилди. 3-гурух беморларда ушбу шкала кўрсаткичи  $3,6 \pm 1,84$  баллни кўрсатган бўлса, 2-гурухда  $3,3 \pm 0,88$  баллни кўрсатди, мос равишда биринчи гуруҳ беморларда эса  $2,71 \pm 1,03$  баллга эга бўлди, ишончилилик фарқ факатгина 1 ва 2-гурух беморлар ўртасида кузатилди,  $p \leq 0,001$ .

ПК билан оғриган беморларда олигокинезия ва брадикинезия, тинч ҳолатдаги тремор ва постурал нотурғунлик ҳисобидан кундалик ҳаётда

фаолликнинг камайиши яққол кузатила бошлайди. Шу нуқтаи назардан биз барча беморларда Кундалик ҳаёт фаоллик шкаласини (Activities of Daily Living - ADL) баҳоладик. Ушбу шкаланинг баҳоланиши максимал 42 балл бўлиб, кундалик ҳаётдаги фаоллиги тўлиқ деб ҳисобланади. 3-гуруҳдаги Covid-19 ўтказган ва ПК билан оғриган беморларда  $37,7 \pm 3,08$  баллга эга бўлган бўлса, 2-гуруҳ Covid-19 ўтказмаган ПК билан оғриган беморларда  $33,7 \pm 2,4$  балл ва 1-гуруҳ Covid-19 ўтказган ПК билан оғриган беморларда  $28,6 \pm 2,9$  балл эканлиги маълум бўлди, барча гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ намоён бўлди,  $p \leq 0,001$ , 2-жадвал.

## 2-жадвал

### Барча гуруҳ беморларда когнитив бузилишлар ва кундалик ҳаёт фаоллик шкалаларининг солиштирма кўрсаткичлари

Шкалалар	1-гуруҳ, n=64	2-гуруҳ, n=60	3-гуруҳ, n=30	Ишончилилик
MoCA	$18,1 \pm 2,43^*$	$22,6 \pm 1,89^{**}$	$24,2 \pm 2,23$	$p \leq 0,001$ ва $p \leq 0,05$
Mini-Cog	$2,71 \pm 1,03^*$	$3,3 \pm 0,88^{***}$	$3,6 \pm 1,84$	$p \leq 0,001$ ва $p \geq 0,05$
ADL	$28,6 \pm 2,9^*$	$33,7 \pm 2,4^*$	$37,7 \pm 3,08$	$p \leq 0,001$ ва $p \leq 0,001$

*Изоҳ* \* ишончли фарқ (\* –  $p < 0,05$ ; \*\* –  $p < 0,001$ ;) ва \*\*\*  $p \geq 0,05$  ишончли фарқ йук

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз вегетатив бузилишларни Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган ПК билан оғриган беморларда, шунингдек назорат гуруҳларда солиштиришни лозим топдик. Паркинсон касаллиги номотор симптомларни баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари ўзаро таҳлил қилинди. Паркинсон касаллигидаги вегетатив бузилишларга баҳо беришда кўплаб қўлланиладиган усулардан бири бу Левин О.С. томонидан 2003 йилда ишлаб чиқилган ПКда вегетатив бузилишларни баҳолаш шкаласидир. Ушбу шкалага мувофиқ биринчи навбатда юрак қон-томир бузилишлари ҳар иккал гуруҳда солиштирилди. Ортостатик гипотензия Шеллонг усули ёрдамида текширилди ва 1-гуруҳдаги беморларда ўртача  $4,7 \pm 1,2$  баллга эга бўлган бўлса, 2-гуруҳдаги беморларда  $3,1 \pm 1,2$  балл аниқланди, ишончли фарқ  $p \leq 0,05$ . Узоқ вақт тик турганда ҳушдан кетишнинг олдинги ҳолати 1-гуруҳда  $2,1 \pm 1,2$  балл кузатилган бўлса, 2-гуруҳдаги беморларда  $1,8 \pm 0,9$  балл намоён бўлди ва ишончли фарқ аниқланмади,  $p \geq 0,05$ . Овқат истеъмол қилгандан кейинги артериал гипотензия кўрсаткичлари 1-гуруҳдаги беморларда  $5,1 \pm 2,2$  балл ва 2-гуруҳдаги беморларда  $4,2 \pm 1,8$  баллга эга бўлиб, ишончли равишда фарқланди,  $p \leq 0,05$ . Ётган ҳолатдаги артериал гипертония кўрсаткичи 1-гуруҳдаги беморларда  $3,8 \pm 1,4$  балл ва 2-гуруҳдаги беморларда  $2,1 \pm 1,4$  балл эканлиги фарқланди,  $p \leq 0,05$ . Юрак ритмининг вариабиллиги 1-гуруҳдаги беморларда  $1,8 \pm 0,6$  балл эканлиги аниқланиб, 2-гуруҳдаги беморларда эса  $1,6 \pm 0,8$  аниқланиб, ишончли фарқ аниқланмади,  $p \geq 0,05$ . Умумий юрак қон-томир тизимидаги бузилишлар максимал 24 балл бўлиб, 1-гуруҳдаги беморларда ўртача  $17,5 \pm 1,32$  балл ва 2-гуруҳдаги беморларда эса  $12,8 \pm 1,22$  балл эканлиги маълум бўлиб, ишончли равишда фарқланди,  $p \leq 0,001$ .

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда номотор бузилишларни оғирлик даражаси бўйича солиштирма таҳлил қилинганда, 2-гуруҳ Covid-19 ўтказмаган беморларда когнитив бузилишларнинг даражаси таҳлил қилинганда, енгил даражадаги когнитив бузилишлар 33 нафар беморда (55,0%), ўрта даражадаги когнитив бузилишлар 16 нафар беморда (26,7%) ва 11 нафар (18,3%) оғир даражадаги когнитив бузилишлар намоён бўлди. 1-гуруҳда Covid-19 ўтказган беморларда енгил даражадаги когнитив бузилишлар 7 нафар беморда (11,0%) ўрта даражадаги когнитив бузилишлар 26 нафар (40,6%) беморда, оғир даражадаги когнитив бузилишлар 31 нафар беморда (48,4%) кузатилди. Назорат гуруҳдаги беморларда эса, когнитив бузилишлар кузатилмаган беморлар 11 нафар (36,7%) ва енгил даражадаги когнитив бузилишлар 16 нафар (53,3%) ва оғир даражадаги когнитив бузилишлар 3 нафар (10,0%) кузатилган.

Covid-19 ўтказмаган беморларда ўрта ва оғир даражадаги когнитив бузилишлар касалликнинг аралаш шаклида, енгил босқичрига нисбатан 2-3-босқичларида кўпроқ кузатилган бўлса, Covid-19 ўтказган беморларда акинетик-ригид ва аралаш шаклларда, барча босқичларда ўрта ва оғир даражадаги когнитив бузилишлар кузатилди. Кейинги босқичда биз вегетатив бузилишлар даражасини ҳар иккала гуруҳ беморларда касаллик босқичлари бўйича таҳлил қилиб чиқдик. 1-гуруҳ беморларда вегетатив бузилишларнинг учраши касаллик босқичларига боғлиқ бўлса, 1 ва 2-босқичдаги беморларда ҳам ўрта ва оғир даражадаги вегетатив бузилишлар кўп учради (65,4% ва 73,2%). Иккинчи гуруҳ беморларда эса 1- ва 2-босқичларда ўрта ва оғир даражадаги вегетатив бузилишлар нисбатан кам учради (36,7% ва 46,8%) ва ишончли равишда фарқ кузатилди,  $p \leq 0,001$ .

Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда уйку бузилишларининг солиштирма таҳлил қилинди. Касалликнинг титроқ шакли билан оғриган 41 нафар бемордан 32 нафарида (78,1%) гиперсомния кузатилган бўлса, 1-гуруҳ Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда 56,2% ва 43,8% кузатилиб, ишончли фарқ аниқланмади,  $p \geq 0,05$ . Касалликнинг апралаш шакли билан оғриган 47 нафар бемордан 41 нафарида (87,2%) гиперсомния кузатилган бўлса, 75,6% 1-гуруҳ ва 34,4% 2-гуруҳ беморларда намоён бўлди. Уйку бузилишларининг инсомния ва парасомния кўринишдаги бузилишлари Covid-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда дифференциал фарқ қилсада, кескин ишончли фарқ аниқланмади,  $p \geq 0,05$ .

Диссертациянинг «Covid-19 ўтказган Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда иммунологик бузилишларни баҳолаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида беморлар қон зардоби таркибидаги IL-6 миқдори ва ферритин даражаларининг қиёсий таҳлили келтирилди. Паркинсон касаллигида интерлейкин-6 миқдорининг ўзгариш даражаларини солиштириш учун умумий 120 нафар беморда, жумладан ПК билан оғриган 90 нафар бемор ва 30 нафар ПК кузатилмаган беморларнинг қон зардоби текширувдан ўтказилди. ПК билан оғриган асосий гуруҳдаги беморлар 2 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ Covid-19 ўтказган ПК билан оғриган беморлар 45

нафар (50%) ва Covid-19 ўтказмаган ПК билан оғриган беморлар 45 нафар (50%). Ҳар икккала гуруҳдаги беморлар касаллик клиник шакллари ва босқичлари бўйича гуруҳларга ажратилди. 1-гуруҳ ПК билан оғриган беморлардан 16 нафари (35,6%) акинетик-ригид шакли билан оғриган беморлар, 14 нафар (31,1%) титроқ шакли билан оғриган беморлар ва 15 нафар (33,3%) касалликнинг аралаш шакли билан оғриган беморлардан иборат бўлди.

